



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

2014-yil 31-iyul, payshanba, 30 (558)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

Самимий қутловлар

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хоржий давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Мухтарам Президент Жаноблари!

Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг самимий табрик ва тилақларимни йўлламан.

Ўтган ой давомида бутун дунё мусулмонлари эътиқодларига таянган ҳолда ҳамда муҳтожларга ёрдам бериб, оила аъзолари ва ёр-дўстлари билан Рамазон удумларига риоя қилдилар. Ушбу ой Сиз ва Сизнинг яқинларингиз учун ҳам янгиликни ва покликни айёми бўлди, деб умид қиламан.

Келгуси йил давомида Сизга тинчлик, сihat-саломатлик ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Барак ОБАМА,

Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига Жаноби Олийлари!

Рамазон ҳайити муносабати билан йўллаган эзгу истақларингиз ва самимий табрикларингиз учун Сизга миннатдорлик билдираман. Ийд-ал-Фитр муносабати билан Сизга ўзининг қизғин қутловларим ва энг эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шамшад АХТАР,
БМТ Бош котибининг ўринбосари,
ЭСКАТО ижрочи котиби

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 июль кuni Оқсаройда АҚШ Куролли Кучлари Марказий кўмондонлиги кўмондони Ллойд Остинни қабул қилди

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликка оид долзарб масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик айрим муаммолар муҳокама қилинди.

Л.Остин Ўзбекистон-АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва бу муносабатларни ўзаро манфаатли йўналишларда ривожлантириш истикболлари юзасидан фикр алмашиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни мустақамлаш тарафдори эканини таъкидлади.

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 30 июль кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Сенатининг ўн бешинчи янги мажлисини шу йил 28 август кuni Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

2 >>>

Янги кодекснинг янги қоидалари

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида «Янги таҳрирдаги Божхона кодекси – божхона ишини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси» мавзусида семинар ўтказилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, қатор вазирлик ва идоралар вакиллари, тadbirkorлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди

Анжуманда таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳаси мамлакатимиз иқтисодий-тинч ҳаёт бозорига интеграциялашувида муҳим

аҳамиятга эга бўлган божхона назорати тизимини тўла шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

2 >>>



Сониқ 30ИР олган суратлар

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги шарбат, мева-сабзавот қайласи, жем ва мурabbo ишлаб чиқаришга ихтисослашган «GREEN WORLD» қўшма корхонаси 1999 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозир бу ерда 78 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда.

Серкўеи заминимизнинг дала-боғларида миришкор фермерларимиз томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини турли бежирим идишларга қадоқлаб, элимиз дастурхонини тўлдирётган корхона жамоаси жорий йилнинг олти ойида 758 МЛН. сўмлик маҳсулот оғзида қоладиган шарбату мурabboлар тайёрлади.

— Маҳсулотимизга бўлган талаб нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ортиб бораётгани қувонarliдир, — дейди корхонанинг молиявий директори, О'zLiDeP аъзоси Шухрат Каракулов. — Хусусан, мамлакатимизда тadbirkorларга яратилган имтиёزلардан унумли фойдаланган ҳолда юқори сифатли маҳсулотларимизни Россия, Қозғистон, Туркменистон, Афғонистон ва Хитойга экспорт қиламиз. Келгусида янги турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳисобига қўшимча иш ўринлари яратишни кўзда тутганмиз.

МАХСУЛОТ ЎЗИМИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОННИКИ!

САРҲИСОБ


Таъсирчан тadbirkorлар таҳлили

Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурида ёшларга оид позиция аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам О'zLiDeP амалий ишлар билан ишончни қозонишда ташаббускор куч сифатида намоён бўлишга ҳаракат қилиб, асосий эътиборни ёшлар ичига чуқурроқ кириб бориш, уларнинг қизиқишлари, манфаатларини ифодалашга йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишга қаратмоқда

Олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларда тadbirkorлик кўникмаларини шакллантириш, инновацион лойиҳа ва ташаббусларини иқтисодий ётга жорий этиш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини бошлаётганларга ҳар томонлама кўмак бериш орқали янги иш ўринларини яратиш, та-

3 >>>

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг амалий натижалари



7 >>>

Дастлабки ютуқлар ва галдаги вазифалар

Бугунги кунда мамлакатимизда узоқни ўйлаб амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида нафақат импорт ўрнини босувчи, балки экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида ташкил этилган Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳам қисқа давр мобайнида тadbirkor ва ишбилармонларни жаҳон бозори билан боғловчи мустақам кўприкка айланди, дейиш мумкин.

Буни жамғарма мутахассислари томонидан 173 та мамлакатда умумий қиймати 37,5 триллион долларга тенг 16 та маҳсулот гуруҳи ва 13,8 триллион долларга тенг 15 та хизмат гуруҳи импортига эҳтиёж мавжудлиги аниқланганида ҳам кўриш мумкин.

ШУКРОНА

Ўтган асрнинг 90-йилларида ота-оналаримизнинг нон дўконларида навбат кутиб турганлари, ун ва ун маҳсулотларини талонга олганлари ҳали ёдимиздан чиққани йўқ

XXIII КИМ ЭДИГУ КИМ БУЛДИК?

2008 йили бошланган ва ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз, иқлим ўзгаришлари, курғоқчилик, шўрланиш оқибатида минг-минглаб гектар ерларда ҳосилдорлик камайиб, очлик ва қашшоқлик аҳолининг эртанги кунга бўлган умидини сўндираётган бир пайтда мамлакатимиз деҳқон ва фермерлари 8 миллион 50 минг тонналик улкан галла хирмонини бунёд этдилар.

Ана шундай беқиёс натижага асос бўлган омиллар, қулай шарт-шароитларни таҳлил этар эканмиз, Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари, хорижий олим, мутахассис ва экспертларнинг фикри ёдимизга тушади.

Зеро, Ўзбекистонда бундай ютуқларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Гарчи уларни оддий ҳол деб қабул қилаётган бўлсак-да, улар замирида неча минглаб деҳқонларимизнинг бедор туңлари, тинимсиз меҳнати ётганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Юртбошимизнинг Ўзбекистон галлакорларига йўллаган табригини эшитган, ўқиган юртдошларимиз қалби шу маънода ҳам чексиз гурур ва ифтихорга тўлди. Чунки табриқда баён этилган фикрлар билан танишар эканмиз, «Дастурхонларимиз янада тўкин бўлади», деган ўй ҳар бир юртдошимиз шууридан ўтгани аниқ. Лекин **Ўтган асрнинг 90-йилларида ота-оналаримизнинг нон дўконларида навбат кутиб турганлари, ун ва ун маҳсулотларини талонга олганлари ҳали ёдимиздан чиққани йўқ. Шунинг учун ҳам бугунги кунларимизга минг бор шукроналар айтсак арзийди.**

3 >>>

Бугунги сонда:

3 Ислохот Ташаббус қанот ёзди

4 Муносабат Сайловчи амалий ишларга овоз беради

5 Қуйи бўғинларда Электорат ишончини оқлаш осон эмас

8 Ифтихор Эл эътиборидаги Эрматов

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 30 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	2190.91
1 Англия фунт стерлинги	3957.81
1 Дания кронаси	420.17
1 ЕАА дирҳами	634.97
1 АҚШ доллари	2332.24
1 Миср фунти	326.19
1 Исландия кронаси	20.30
1 Канада доллари	2158.88
1 Хитой юани	377.32
1 Россия рубли	65.98
1 Украина гривнаси	196.67
1 Малайзия ринггити	735.03
1 Польша злотийси	755.48
1 СДР	3581.90
1 Туркия лираси	1110.01
1 Швейцария франки	2579.06
1 ЕВРО	3161.09
10 Жанубий Корея вони	22.77
10 Япония иенаси	228.79

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

Парламентда

Киритилаётган қўшимчанинг моҳияти ва аҳамияти нимада?



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилмоқда. Ҳўш, мазкур кодексга киритилаётган қўшимчанинг мазмун-моҳияти нимадан иборат? Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратдилар? Ана шундай саволлар билан парламент қўйи палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзоси Маъруф УСМОНОВга муурожаат қилдик

— Энг аввало шуну таъкидлаш лозимки, ушбу қонун «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талабларидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликни мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришларнинг мантқиқий давоми ҳисобланади, — дейди сўхбатдошимиз. — Мазкур қонун орқали ЖПКга йўқолган жиноят иши ва унинг материалларини тиклашда жиноий суд ишларини юритишни тегишли тартибда таъминлашга қаратилган. Бунда белгиланган тиклаш процедураси жиноят иши материаллари ўғирлик, бошқа жиноят содир этилиши оқибатида ёки жиноий иш юритиш бўйича мансабдор шахсининг совуққонлиги натижасида йўқолганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан жиноят ишларини юритиш тартиби ЖПК билан белгиланади. Унинг асосий вазифаси жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган шахсга адолатли жазо берилиши, айби бўлмаган шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун ҳақиқий айбдорни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир. Конституцияга мувофиқ, жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади. Прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳолатда ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини кўзгаатиши, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт.

Кўриб турганимиздек, ЖПКга қўшимча киритишнинг зарурати шундан иборатки, амалиётда айрим ҳолларда тергов органлари ҳодимлари томонидан ўз мансаб вазифаларига совуққонлик билан қараш оқибатида, шунингдек, ўғирлик натижасида, табиий офатлар туфайли ҳам жиноят иши материаллари йўқотилиши мумкин. Тўғри, бугунги кунда қонунчилигимизда мансабдор шахслар совуққонлиги оқибатида ёки гараз мақсадларда жиноят иши материаллари йўқотгани ёки ўғирлангани учун жавобгарлик белгиланган. Бироқ йўқотилган

жиноят иши ва унинг материалларини қайта тиклаш процедураси қонунчиликда тартибга солинмагани кўришимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун билан ЖПКга йўқотилган жиноят иши ва унинг материалларини қайта тиклаш институти киритилди.

тути Жиноят-процессуал кодекси нормалари билан тартибга солинганини кўришимиз мумкин. Шундан келиб чиқиб, ушбу қонун билан ЖПКга йўқотилган жиноят иши ва унинг материалларини қайта тиклаш институти киритилди.

Мазкур қонун ҳар бир жиноят иши бўйича тергов ва адолатлик принциплари таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада шончли ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

ришда, қайта тиклашга кетадиган муддат ҳамда дастлабки тергов ва қамоқда сақлаш муддатларини ҳисоблашда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, процессуал қонунчилигимизда йўқолган суд ишини тиклаш институти мавжуд. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролик иши бўйича йўқолган суд ишини тиклаш (24-модда), тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш (301-309-моддалар) институти ишлаб келмоқда. Лекин халқроқ тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, йўқотилган жиноят иши ва унинг материалларини қайта тиклаш институти киритилди.

Демократик ислохотлар ва суд-ҳуқуқ тизими

Биз учун энг азиз ва энг улуг айём бўлмиш мустақиллик байрамни ҳар йили муносиб равишда қутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш мамлакатимизнинг барча ҳудудларида эзгу аънонага айланиб қолган



Тўлқин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси


Шу ўринда мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ҳар бир инсоннинг бахти, фаровон ҳаёт кечирилиши таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятли эканини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари суд-ҳуқуқ тизимини янада берилаётган демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш билан боғлиқ қонунчилик ташаббусларидан келиб чиқиб, кейинги йилларда парламент томонидан бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Таъбир жоиз бўлса, мазкур қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини суд тартибида ҳимоя қилиш институти янада такомиллаштириш борасида қўйилган қатъи қарор бўлди. Жумладан, жиноят ишини юритишда суд назоратини мустақамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида «Хабас корпус» институти қўллаш амалиёти кенгайтирилди. Шахсини лавозимдан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби жорий қилинди.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган демократик ислохотларнинг мантқиқий давоми сифатида кейинги йилларда Президентимизнинг судлар фаолияти самардорлигини таъминлашда муҳим омили бўлган бир қатор фармонлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Меҳнат ва Солиқ кодекслари, «Аҳоли иш билан таъминлаш тўғрисида», «Судлар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилди. Жорий йилнинг 23 ап-

Нодавлат МТМларни кўпайтириш истиқболлари

О'zLiDeP мактабга таълим муассасалари соҳасида ҳусусий сектор субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш таклифини илгари сурмоқда



латга қарашли МТМ фаолият кўрсатаётгани, ушбу масканларда 580 миңдан зиёд бола тарбияланаётганини таъкидлади. Бундан ташқари, парламент эшитишда МТМлар фаолиятини такомиллаштириш мақсадида уларнинг турли шакллари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, хусусан, бу соҳада ҳам нодавлат секторини ривожлантириш муҳим масалалардан бири сифатида тилга олинди.



Янги кодекснинг янги қондалари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Бунда соҳага замонавий ахборот технологияларини жалб этган ҳолда тартиб-қоидаларни соддалаштиришга асосланган таъкид ислохотлар фаолият ишчиликчилари ва бошқона органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги моделини яратиш кўзда тутилган.



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Янги лойиҳада бошқарилган иқтисодий усуллари алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш, экспорт-импорт механизмларини тартибга солиш жараёнларидан қондалар акс эттирилди. Муҳим жиҳатлардан яна бири — лойиҳа товарни олиб кириш ва олиб чиқишдан бошлаб, унинг тақдирини белгилашга ҳақдор бўлган экспорт-импорт заңжирини тартибга солишни назарда тулади.

Эътиборлики, амалдаги Божхона кодексига ушбу масалалар ўрин олмаган эди. Лойиҳага божхона тўловларини тўлаш мажбуриятини суғурталаш ҳамда унчинчи шахсларнинг кафилиги ҳам киритилди. Шунингдек, божхона органлари томонидан лицензияланган божхона омонбори, эркин омонб. бож олинмайдиган савдо дўкони каби фаолият турлари учун лицензия берилди, уни қайта расмийлаштирилганлик ва амал қилиш мулатини узайтирилганлиги учун ушқирланган божлар бекор қилинмоқда.

Бундан ташқари, «Товарларни халқроқ почта жўнатмаларида олиб ўтиш», «Валюта назорати», «Интеллектуал мулк объектларини божхона органлари томонидан ҳимоя қилиш», «Товарларни қувур транспортда ва электр узатиш линиялари бўйлаб олиб ўтиш», «Божхона экспертизаси» ва «Божхона иши соҳасида хабардор қилиш ва маслаҳат бериш» сингари бир қатор янги божлар ҳам лойиҳадан жой олди. Бу эса тадбиркорлар учун қўйлаб қўлайликларни яратиши билан муҳим аҳамият касб этди, албатта.

Болаларни мактабга таълим муассасаларига қамраб олиш масаласига келсак, бу борада нодавлат секторини янада ривожлантириш,

Алжуман ҳақида божхона қонунчилигини такомиллаштиришнинг аҳамияти, янги таҳрирдаги Божхона кодексининг амалиётда қўлланилиши, расмийлаштириш жараёнларини соддалаштириш тизими, юк ташини йўналишидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш масалалари хусусида таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ.

Битирувчилар «Стандарт старт сервис»да

Мамлакатимизда ёшларга ўз бизнес-режаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларида имтиёзли кредитлар берилиши нафақат уларнинг ўзлари, балки тенгдошларининг ҳам янги иш ўринлари билан таъминланишига хизмат қилмоқда.

Масалан, Андижон банк коллежи битирувчиси Махфиза Машрабона ақнида ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» вилоят минтақавий филиалидан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди. Ишбилармонлик салохиятига эга бўлган қиз қисқа фурсатда «Стандарт старт сервис» МЧЖга асос солиб, йўлбарҳликлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами олдидан ўз бизнесини бошлаганимдан хурсандман, — дейди у. — Эътиборлиси, яратилган 8 та янги иш ўрнига эга бўлганларнинг барчаси тенгдошларимдир. Уларнинг 4 нафари коллеж битирувчиси.

Ахроржон МУСУРМОНОВ.

Таъсирчан тадбирлар таҳлили

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI asr»

Ушбу лойиҳанинг яқинда якунига етган 14 та ҳудудий босқичида 1530 нафар битирувчи қамраб олинди. Ҳуқуқ-семинарлар давомида жами 970 нафар бизнес-режа эгасига тижорат банкларида имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертифицикатлар топширилди. Шунингдек, лойиҳада фаол иштирок этган 100 нафарга яқин талаба партияга қабул қилиниб, аъзолик гувоҳномалари ҳамда кўрак нишонлари тантанали равишда топширилди.

Таҳлиллар мазкур лойиҳа доирасида 2012-2013 йилларда 3,5 минг

шундай стипендияни қўлга киритган. Бошқача айтганда, 2004-2013 йилларда бу танловда 30 мингга яқин талаба иштирок этганини кўриш мумкин. Шулардан 190 нафардан ортиқ ёш партиянинг махсус стипендияси билан тақдирланган. Утган давр мобайнида **лойиҳада иштирок этган ёшларнинг 5 мингдан зиёди айти пайтда тадбиркорлик, фермерлик ва касаначилик билан шуғулланмоқда.**

О'zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ҳаётга татбиқ қилиниши ва жойларда кўрак нишонлари муаммоларини бартараф этиш бўйича аниқ амалий тақлифлар ишлаб чиқишида депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлик йўлга



Салих Зомир олган сурат

фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилган таъсирчан тадбирлар уюштирилди. Кези келганда, Сенат аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят (шаҳар), туман кенгашлари депутатлари билан жойларда 2012-2013 йиллар мобайнида 280 та амалий мулоқот ташкил этилганини ҳам айтиб ўтиш керак. 14 таси республика, 86 таси вилоятлар, 180 таси туманлар кесимида ўтказилган мазкур тадбирлар натижасида ёшларга оид қонун лойиҳаларига ёшларнинг тақлифлари киритиш тизими шакллантирилди.

Қонунларнинг бажарилишини қийинлаштирадиган қонуности ҳужжатларини қисқартириш борасидаги масалаларни маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига олиб чиқиш, партия тизимида ёш етакчилар сафини кенгайтириш мақсадида 2010 йилдан буюн ўтказиб келинаётган «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси ана шу ҳамкорликнинг амалий ифодасидир.

2014 йилда ушбу лойиҳа доирасида ҳудудларда «Миллий парламентаризм ривож ёшлар нигоҳида», «Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни», «Ёшлар ва қонунчилик», «Мустақиллик ва ёшлар» сингари учрашувлар, шунингдек, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

партиянинг «Истиқболли ёш кадрлар захираси»га олигани бежиз эмас.

— Ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, салбий иллатларга қарши мафкуравий имунитет яратиш, жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спорт турлари бўйича мусобоқалар ўтказиш орқали партия тадбирларининг таъсирчан кунга айланишига ҳаракат қилаёلمиз, — дейди О'zLiDeP Ёшлар билан ишлаш бўлими етакчи консультанти Исом Тўрабоев. — Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, «Сенинг тенгдошинг», «Ғоямиз — химоямиз», «Истиқлол фидойилари» сингари туркум тадбирлар, «Хавфсиз интернет», «Ватан тақдири учун барчамиз масъулмиз», «Буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлайлик», «Биз озод ва мустақил юрт фарзандларимиз!» каби фестиваллар ёшларнинг кучайтириш, давлат тузилмаларига юқори маънавий либерал-демократик дунёқараш ва замонавий билимларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга қўмаклашиш мақсадида ўтказиб келинаётган «Агар мен депутат бўлсам...» лойиҳаси ҳам кўпчиликнинг эътиборига тушди. Мазкур лойиҳада шу пайтдача 11 мингдан ортиқ ёш иштирок этган бўлиб, уларнинг 2,5 мингдан ортиғи

ШУКРОНА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

Инсониятни глобал муаммолар йўлантираётган бир пайтда Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб қабул қилган қарорлари нақадар тўғри бўлганлигини, мустақил Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда

ўттиз миллионли халқ эҳтиёжини тўла таъминлашдан ташқари четга дон экспорт қиладиган давлатга айланганлигини О'zLiDeP ва унинг минг-минглаб аъзолари ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар.

Бу бежиз эмас. Чунки эришилган ютуқларга асосан жамиятимизнинг таъин устунига айланган фермерларнинг ҳақиқий ер эгасига айлангани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини ҳис этаяётгани ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган сиёсатнинг самараси ўлароқ қишлоқ мулкдорлари ернинг ҳақиқий эгасига айландилар. Айниқса, фермерлик ҳаракатини мунтазам ривожлантириб бориш борасида барча шарт-шароитлар, ҳуқуқий асослар яратиб берилгани қўлга киритилаётган ютуқларга мустаҳкам замин бўлди.

Маълумки, ўрта қатлам вакиллари манфаатини ҳимоя қиладиган О'zLiDeP ўз фаолиятининг дастлабки даврлариданоқ жамиятимизни тубдан ислоҳ қилиш, жумладан, аграр секторда изчиллик ва қатъиятлик билан босқичма-босқич амалга оширилаётган ўзига хос тараққиёт йўлида фермерлик ҳаракати — давлат сиёсати даражасида йўлга қўйилганини, тарихан қисқа давр мобайнида эса ўзгаларга намуна бўла оладиган ютуқларга эришилганлигини таъкидлаб, бу жараёни янада тақомиллаштиришда фаол иштирок этмоқда.

Тан олишимиз керак: фермерлик ҳаракати бугунга келиб қишлоқ хўжалигида турмуш асосий ишлаб чиқарувчи кунга айланди. Ҳақиқатда эришилаётган ютуқларимизда айниқса фермерлик ҳаракатининг ҳиссаси бекиёсдир.

Бир неча йиллар олдин 60-65 центнер ҳосил олган фермер хўжаликларини ҳар туманда бармоқ билан санарли даражада бўларди. Энди эса ана шундай кўрсаткич қайд этган фермерлар сони саналганда минг сўзи қўшиб айтилмоқда. **Бунёд этилган ғалла хирмонининг 5 миллион 117 минг тоннаси, яъни 60 фоизи дехқон ва фермерларимиз аҳолиимиз ихтиёрида қолдирилгани эса юқорида таъкидланганидек, манфаатдорлик билан боғлиқдир.**

Айни пайтда давлатга бошоқли дон сотиш режасини ортиги билан баҳарган қишлоқ мулкдорлари нафақат ўз аъзоларига, балки ўзи яшашга ҳудуддаги кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар, меҳрибонлик ўйлари, касалхона ва мактабларга ҳам ҳомийлик қилмоқдалар. Буни барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Табриқда мустақиллик йилларида айнан ғаллачилик соҳасида эришилган ютуқлар рақамлар асосида таҳлил қилинди. Қайд этилган кўрсаткичлар аграр соҳада изчиллик билан олиб борилган кенг қўламли ислохотлар натижаси ва айни пайтда мустақил Ўзбекистонда бевосита Президентимиз раҳнамолигида эришилаётган ҳар бир ютуқ ўз-ўзидан эмас, балки келажакка бўлган юксак ишонч, улкан заковат, қатъиятлик, тинимсиз ва заҳматли меҳнат орқали қўлга киритилаётганини жамиятимиз ҳар бир аъзоси тўлақонли билиши ва доимо тўлақонли ҳис этиб бориши лозим.

Шу ўринда 1994 йили қабул қилинган «Дон мустақиллиги Дастури» бугунги ютуқлар учун илк пойдевор бўлганини таъкидлаш лозим. Ана шундай муҳим дастурлар, Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари тўғрисида дон ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Озиқ-овқат учун четдан дон сотиб олиш батоми тўхтаптилиб, бу ўз навбатида сиёсий, иқтисодий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш имконини берди.

Жумладан, сиёсий жиҳатдан эски тоталитар тузумдан мерос қолган пахта яққоқимлигига барҳам берилиб, мамлакатимиз дон сотиб олиш учун бошқа мамлакатга иқтисодий қарам бўлишининг, ун ва ун маҳсулотларининг нархи ошиб кетишининг олди олинди.

Ижтимоий жиҳатдан эса қишлоқ аҳолиси учун янги иш жойлари ташкил этилганини таъкидлаш жоиз. Нафақат ғалла, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналишлари, жумладан чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва полизчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ғалладан бўшаган ерларда тақририй экин экиб, қўшимча даромад олиш имконияти пайдо бўлди.

Масаланинг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратсак, мамлакатда валюта захирасини сақлаб қолиш ва бу валютани бошқа зарур соҳаларга ишлатиш имконияти яратилганини айтиш жоиз. Донни қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга ҳам реал имконият пайдо бўлди.

Ана шу йиллар давомида, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 1991 йилга нисбатан пахта майдонлари 1,4 млн. гектарга қисқартирилиб, ғалла майдонлари 1,3 млн. гектарга етказилганини таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, «2008-2012 йилларда сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича Давлат дастури» ҳамда «2013-2017 йилларда сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Давлат дастури»нинг қабул қилиниши ҳамда мазкур дастурлар доирасида ажратилган маблағлар асосида мамлакатимизда мелiorатив ҳолати ёмонлашган ер майдонлари қисқариб, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг оширилишига эришилаётганлиги натижасида аграр соҳада улкан ютуқлар қўлга киритила бошланди.

Жумладан, айнан мана шу дастурлар асосида 2008-2013 йилларда Давлат бюджетидан қарийб 981,5 млрд. сўм сарфланиб ва 1,5 млн. гектардан зиёд ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юзага келтирилган ерлар майдони 555 минг гектарга қисқарди. Кучли ва ўртача шўрланган ерлар майдони эса 113 минг гектарга камайtirилди.

Қолаверса, муҳтарам Президентимизнинг «2012-2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техника ва технологиялар жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилган ишлар натижасида жорий йилда ғаллага юқори унумли ва тежамкор технологиялар билан сифатли ишлов бериш ҳамда етиштирилган бошоқли донни қисқа муддатда нест-нобуд қилмасдан йиғиб олиш имконияти яратилди.

Соҳа вакиллари, таҳлилчилар ҳар бир минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига мос навларни танлаш ва уларни тўғри жойлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилганлигини, бошоқли дон етиштиришда илмий асосланган технологиялар яратиш, уларни фермер хўжалиқларига кенг жорий этиш, жаҳон селекцияси тусларидан оқилона фойдаланиш масалаларига эътибор қўнаяётганини ҳам эътироф этмоқдалар.


Бундан ташқари, ғаллачиликда маҳаллий навлар устида олиб борилган кўп йиллик тажрибалар натижасида биргина 2014 йили ғалла ҳосили учун касалликларга чидамли бўлган «Бобур», «Андижон-2», «Андижон-4», «Дўстлик», «Чиллаки», «Аср», «Яксарт», «Туркистон» сингари маҳаллий бугдой навлари яратилди.

О'zLiDeP қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор дастурлар ва улар асосида амалга оширилаётган ишлар ютуқлар гавори бўлаётгани. фермерларни моддий-техник таъминлаш ва молиялаш, улар фаолиятига замонавий агротехник тадбирларни ҳамда илмий асосланган технологияларни жорий этиш борасидаги амалий тадбирлар жорий йилда ғаллачиликда эришилган улкан муваффақиятда муҳим роль ўйнаганини алоҳида таъкидлайди.

Бундай юксак эътиборга жавобан ғаллакорларимиз бетакор замани ва бекиёс иқлими, кенг имкониятларга эга она юртимиз далаларида етиштираётган ризк-рўзимиз бўлган ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан улкан хирмонлар яратиб, юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Соатмурод КУЛМИРЗАЕВ,
О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида кредит олганларнинг соҳалар кесимидаги таҳлили



Ишлаб чиқариш қуввати ошади

«Narin Bottlers» МЧЖ таркибига кальций, мағний, натрий, сульфат гидрокарбонат каби инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали минерал элементларга бой маъдани сув ишлаб чиқармоқда.

Наманган вилоят ҳокимлиги ахборот хизматиинг хабар беришича, ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ компьютерлаштирилган тизим орқали бошқарилаётгани сабабли корхонанинг рақобатбардошлиги тобора ошиб бораётти.

— Ҳозирча лойиҳанинг биринчи навбати ишга туширилган, — дейди мазкур МЧЖ иш юритувчиси Махмуджон Азимов. — Айни кунда тозаланган ва қайта ишланган сув бир ва беш литрли полиэтилен идишларга қалдоқтанилти.

63 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қиладиган корхона тўла қувват билан ишлаш бошлади, уларнинг сонини 150-200 нафарга етказиш кўзда тутилган.

Ш.Ҳўжаев.

нафар касб-ҳунар коллежи ҳамда олий ўқув юрти битирувчиларининг тадбиркорлик ва ишбилармонликка оид билимлари оширилганини кўрсатмоқда. Улар орасидан 1320 нафар иштирокчи тижорат банкларида жами 7 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит олган ҳолда ўз бизнесини бошлади ва 2 мингдан зиёд янги иш ўрни очди. Партиянинг Ёшлар билан ишлаш бўлими ташкилотида 2014 йилдан буюн ўтказиб келинаётган «Ишбилармон талаба» кўрик-танловига оид таҳлилларда ҳам ўсиш-ўзгаришлар яққол намоён бўлмоқда. Мазкур кўрик-танловнинг 2014 йилдаги натижалари ҳам фикримиз далилидир.

Июнь-июль ойларида бўлиб ўтган ҳудудий босқичларда жами 11 000 га яқин ёш қамраб олинган бўлса, 2012 йилда 8000 га яқин ёш иштирок этган ва уларнинг 28 нафарига О'zLiDeP стипендияси берилган. 2013 йилда эса 10 000 дан ортиқ қатнашчидан 38 нафари худди

кўйилгани ҳам ўз самарасини берапти. Кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига ёшларни кенг жалб қилиш, ишлаб чиқилаётган ва қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини уларга етказиш, депутатлик гуруҳларининг йиғилишлари кун тартибига ёшлар муаммолари билан боғлиқ масалаларни олиб чиқиш, партия тизимида ёш етакчилар сафини кенгайтириш мақсадида 2010 йилдан буюн ўтказиб келинаётган «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси ана шу ҳамкорликнинг амалий ифодасидир.

2014 йилда ушбу лойиҳа доирасида ҳудудларда «Миллий парламентаризм ривож ёшлар нигоҳида», «Ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни», «Ёшлар ва қонунчилик», «Мустақиллик ва ёшлар» сингари учрашувлар, шунингдек, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

Ташаббус қанот ёзди

О'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Тўқимачилик ва энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушини оширишнинг долзарб масалалари»га бағишланган амалий мулоқот ўтказилди

Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, иқтисодий ҳамда солиқ бошқармалари, божхона қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда маҳаллий кенгашлар депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини ҳудудий бўлими, тўқимачилик ва энгил саноат корхоналари мутаассадлари иштирок этишди.

О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Олим Соибназаров тўқимачилик ва энгил саноат соҳасида хусусий секторни ривожлантириш учун яратилган имкониятлар тўғрисида бугун мамлакатимизда 2 минг 200 дан ортиқ ана шундай корхона фаолият юритаётгани, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қирқдан зиёд давлатга экспорт қилинаётганини тўғрисида атрофича маълумот берди. Зеро, Президентимизнинг «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари

тўғрисида» ҳамда «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари бундан кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Натижада ҳудудларда умумий қиймати 1,7 миллиард долларга тенг 55 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Жумладан, Сурхондарё вилоятида 18 та янги корхона ташкил этилиб, биттаси реконструкция қилинди.

Вилоят иқтисодий бошқармаси бўлим бошлиғи Шухрат Дўстмуродовнинг таъкидлашича, шу кунгача воҳода мазкур қарорлар ижроси доирасида 5,5 миллион доллар миқдоридидаги инвестиция ўзлаштирилди. Термиз шаҳридаги «Саодат» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси, «Жаркўрғоннефть» акциядорлик жамияти ва Шеробод туманидаги «Олтин тупроқ тўқмаси» хусусий корхоналарида йилга 25 минг данга тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш

қувватига эга замонавий ускуналар ўрнатилди. «Чароғон текстиль», «Бойсун-Кестиль», «Покиза Машура» сингари бизнес субъектларида ҳам рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Дастур тўлиқ амалга оширилган ҳолда йилга 22,5 миллион квадрат метр ипогазлама, 15,2 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотлари, 10,1 миллион жуфт пайпоқ ва 8,9 минг тонна мато ишлаб чиқариш имконияти юзага келади ва 7 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда вилоятда яна бир хайрли ташаббус қанот ёзди. Яъни, йил якунигача Термиз шаҳри ва туманларнинг ҳар бирида юзтадан тикув машинаси ўрнатилиб, тармоқни янада кенгайтиришга киришилди.

— Замонавий дастгоҳлар билан таъминланган икчам корхоналар арзон, сифатли, харидор талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлайди, — деди О'zLiDeP вилоят кенгаши

раисининг биринчи ўринбосари Алишер Рўзиев. — Бундан ташқари, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшилиди. Масалан, йилнинг ўтган даврида партия электорати вакиллари Термиз шаҳри ва туманларда дастурда белгиланган 372 та ўрнига 585 та дастгоҳ ўрнатиб, 587 янги иш ўрни барпо этди. Термиз шаҳридаги «Камазул Сайдил» масъулия тизимли корхонаси, Ангор туманидаги «Нафис» оилавий корхонаси, «Эгамбердиев Илёс» хусусий корхонаси, Жаркўрғон туманидаги «Сам-Турон» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси, Олтиной туманидаги «Наргиза Олмос» хусусий фирмаси кичик бизнес учун яратилган имкониятдан унумли фойдаланиб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Тармоқни чуқур ўзлаштириб олган тадбиркорлар маҳаллий бозордан ортганини экспорт қилиш истидини билдираётгани ҳам эътиборга лойиқдир. Чун

ки бизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар соф пахта, пилла толасидан тайёрланаётгани билан жажон бозорига алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.

— Банк кредити асосида 20 та замонавий ускуна ўрнатиб, пахта калавасидан тайёрланган матолардан бир неча турдаги тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқара бошладик, — дейди Музаббод туманидаги «Гулшанатекс» хусусий корхонаси раҳбари Иззатой Муродова. — Корхонамизда ўттизга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Маҳаллий бозорда катта қизиқиш билан харид қилинган маҳсулотларимизни хорижга чиқаришни мўлжаллаб турибмиз.

Амалий мулоқот чоғида ютуқлар билан бирга соҳада мавжуд муаммолар ҳам таҳлил қилиниб, вилоят энгил саноатида тадбиркорлар ҳиссасини янада оширишнинг истиқболли режалари белгилаб олинди.

Мухриддин НУРМАНОВ.

Жараён

«Мулкдор оила» ёрдами

О'zLiDePнинг оилавий корхоналарни ташкил этиш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилишга кўмаклашувчи лойиҳалари Қашқадарё вилоятида ҳам миллий бизнеснинг ўсиши, аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

Жумладан, «Мулкдор оила» лойиҳасини олайлик. О'zLiDeP ташаббуси сабаб оилавий бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар сафини янада кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур лойиҳа, ўз навбатида, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш механизмини такомиллаштириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, илғор тажриба ва инновацияларни, замонавий агротехник тадбирларни қўллаш имконини беради.

Кўп йиллардан бери асарчилик билан шуғулланиб келаётган Қувондиқ Элмуродов яқинда айнан шу лойиҳа ёрдамида тайёр маҳсулотни турли ўлчамдаги идишларга қadoқлайдиган замонавий технология сотиб олиш мақсадида банкдан кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлди.

Қишлоғимизда чорвачилик билан шуғулланиш, айниқса, майда шохли молларни парвартириш унун етарли шaroит бор. Кўпдан бун кичикроқ бўлса ҳам ферма ташкил этиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб юргандим, — дейди лойиҳа доирасида ташкил этилган семинарда Чироқчи туманидаги Катта қишлоғидан келган Хайдар Шукров. — «Мулкдор оила» лойиҳаси режими рўёбга чиқаришга яқиндан ёрдам беради.

Бу каби тадбирда илк бор қатнашаётган бўлсам-да, фаолиятимни ривожлантиришга ёрдам берадиган кўпгина билим ва тажрибага эга бўлган

лигимдан мамнунман, — дейди яққабонлик тадбиркор Ҳақимжон Очилов. — Мутахассислар томонидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия муассасалари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, мавжуд лойиҳаларни банклар орқали қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари ҳамда ишлаб чиқилган расмийлаштириш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот олдик. Замонавий ишбилармон ҳуқуқий-иқтисодий билимларга эга бўлиши керак. Бусиз фаолият юритиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, лойиҳа мен каби ёш тадбиркорлар учун маҳорат мактаби вазифини ўтади, десам аниқлашмайман. Молиявий кўмак олди, паррандачилик ва иссиқхона ташкил этиш учун ускуналар харид қилишни ҳамда 15 та янги иш ўрни очини мўлжаллаганман.

Лойиҳанинг жорий йилги туман ва шаҳар босқичларида 460 га яқин кичик ва хусусий тадбиркорлик субъекти иштирок этди. Улар орасидан эса 70 та бизнес-гой муаллифи вилоят босқичига йўлланма олди. Лойиҳа якунида тижорат банклари томонидан умумий қиймати 800 миллион сўмга тенг бўлган бизнес-режалар молиялаштирилиб, 100 га яқин янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан хонадон бизнеси, аҳоли турли қатламларининг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қўлай имконият яратилади. — дейди Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи



Азиз Пирназаров. — Бугунги семинар давомида ҳамда бу бизнес-режаларни тақдимотини намойиш этишди. Уларнинг 50 нафарига ОАТБ «Агробанк» ва «Микрокредитбанк» дан имтиёзли кредит олиш учун сертификатлар топширилди.

Худди шундай семинар О'zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳаси доирасида ҳам ташкил этилиб, унда хотин-қизларга тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари тўғрисида тушунчалар берилди.

Бу йилги тадбирларимизда минг нафарга яқин хотин-қиз қатнашган лойиҳага бўлган қизиқиш йил сайин ортиб бораётганидан далолатдир, — дейди вилоят партия кенгаши Аёллар

нинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мактебини ошириш бўлими бошлиғи Гулбахор Тўраева. — Лойиҳада қатнашиб, ўз бизнес-режаларини муваффақиятли ҳимоя қилган ва уни молиялаштириш учун банк сертификатини қўлга киритган иштирокчиларга таниқли тадбиркор, фермер ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳи аъзоларига бириктириб қўйганмиз. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, танлов бўлажак тадбиркор ва ишбилармон хотин-қизларни кашф этибгина қолмасдан, О'zLiDeP сафларини фаол аъзолар билан тўлдириш, улар ҳисобига партиянинг кадрлар захирасини янада бойитишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Лойиҳа кўмағида «Ипотека банк»дан 50 миллион сўм кредит олиб, Қарши шаҳрида оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш, ёш авлоднинг соғлом ва ҳисмонан бақувват бўлиб улғайишлари

учун кўмаклашадиган тиббий маслаҳат марказини ташкил қилган, — дейди тадбиркор аёл Нигора Жумаева. — «Соғлом бола йили» Давлат дастурини белгиллаб берилган устувор вазиғлар ижросини таъминлаш мақсадида маркази мисли қозиди ёш ота-оналар учун кўргазмалар маслаҳат маркази, психологик хизмат кўрсатиш, тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича курсларни ташкил этдик. Айни пайтда марказда 5 киши меҳнат қилаётди. Келажакда уларнинг сонини йигирма нафарга етказишни мақсад қилганмиз.

Лойиҳанинг шаҳар, туман босқичларида 500 га яқин иштирокчи орасида саралаб олинган 60 нафар хотин-қизнинг бизнес-режалари истиқболли деб топилди, ҳамкор тижорат банкларининг сертификатлари топширилди. Уларга 600 млн. сўмга яқин кредит ажратилиб, 170 га яқин янги иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

«Мен — партиянинг келажагиман!»

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган 26 минг нафар тадбиркор ва фермернинг 40, худудда О'zLiDePга аъзо бўлган 28 минг нафардан ортиқ фаолнинг қарийб 30 фоизини эртанги кунга ишонч билан қарайдиган истеъдодли ёшлар ташкил этади. Бу эса пойтахт вилоятида партиянинг асосий кучи ҳам, таянчи ҳам навқирон авлод эканини аниқлатади

Зийдулла МҮМИНОВ,
«XXI asr»

— Ўз ишидан бутунлай кўнгли тўлган, фақат бугун билан яшган кишининг ҳаракатдан тўхташи ва замондан ортада қолиши табиий. Шу маънода кўйи бугунларимиз фаолиятдан кўнглимиз тўлмаётгани бор гап, — дейди О'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Илхом Тўраханов. — Шу боисдан ҳам биз кўпроқ жойларга чиқиб, ёшлар учун фермер хўжалиқлари, тадбиркорлик субъектлари, йирик корхоналарнинг вакиллари билан учрашувлар ташкил этишга, ана шу тадбирларда партиянинг ҳаракат дастури, унда ёшлар сиёсатининг акс этиши тўғрисида маълумот беришга ҳаракат қилганмиз. Ёшларимизнинг ўзлари эса вилоятимизнинг бошқа туманларида иш олиб бораётган тенгдошлари, сафдошлари билан партиявий иш юритиш, электротар билан ишлаш юзасидан тажриба алмашмоқдалар. Бундай ёндашувнинг самараси партиянинг ёш аъзолари дунёқарашини ўз ифодасини топмоқда.

Этиборлики, ўтган йилдан бошлаб вилоят кенгаши эртанги кунга ишонч бўлиб ўринбосарларни ҳозирдан тайёрлаш мақсадида партияга асосан 30 ёшгача бўлган йигит-қизларни жалб этишни йўлга қўйди. Жойлардаги партия фаоллари, депутатлик гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари уларга кўмакчи сифатида бириктирилган, ана шу ташаббус ўз натижасини кўрсата бошлади. Хусусан, Олмалик шаҳри, Охангарон, Янгийўл ва Юқоричирчиқ туманлари маҳаллий бошқаруш органлари фаол аъзолар орасидан кадрлар захираси шакл-

лантирилди. Ўз навбатида, вилоят ёшлари иштирокидаги барча тадбирлар асосан улар жамланган жойлар, жумладан, Ўзбекистон Локомотив депоси, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, Чирчиқ ҳамда Охангарон, Бекобод, Янгийўл шаҳарларидаги йирик саноат корхоналарида ўтказиб келинаётганини таъкидлаш жоиз. Учрашувларга ана шу корхоналарда ташкил этилган БПТлар ҳамда «Ишбилармон ёшлар» клублари фаоллари ҳам таклиф этиляпти.

Ёшларни иш билан таъминлаш, улар учун янги иш ўринлари яратиш борасида партия фаоллари бўлган тадбиркор ва фермерлар, депутатлик гуруҳлари аъзолари кўмағида вилоят миқёсида амалий ишларга қўл урилмоқда. Масалан, О'zLiDeP аъзоси, охангаронлик тадбиркор Шавкат Комилов жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қарийб 50 нафар коллеж битирувчисининг бандлигини таъминлаган бўлса, Янгийўл шаҳар «Тадбиркор аёл» уюмаси фаоли Мамлакат Ибрагимова 100 дан ортиқ йигит-қизни ишга жойлаштирди. Урваччилик партия фаоли Хайринисо Хамилова ҳам ҳар йили ўнлаб ука-сингилларимизнинг ишли бўлишига шaroит яратиш бермоқда.

Бундан ташқари, қўллаб ёшлар О'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» каби лойиҳаларида иштирок этиб, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари эвазига ўз ишини йўлга қўймоқдалар. Мисол учун, янгийўллик партиядошимиз Фурқат Олимжонов ташаббуси ва кўмағи билан ҳар йили ўндан ортиқ йигит-қиз компьютер саводхонлиги бўйича бепул ўқитилиб, янги иш ўринларига тайёр мутахассис сифатида тавсия этилмоқда. Бугунги кунда сафимизда «Зулфия» мукофоти соҳибалари, спортнинг турли йўналишлари бўйи-

ча Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпионлари бор. Ана шуларнинг ўзи ҳам ёшларнинг йилдан-йилга фаолашиб бораётганининг тасдиғидир. Энг муҳими, вилоятда партиянинг асосий электорати — тажрибали тадбиркорлар ва фермерлар эндигина ўз бизнесини бошлаётган ёшларга яқиндан ёрдам беришлари аянамага айлиб бормоқда. Хусусан, худудда фаолият кўрсатаётган 6 мингдан ортиқ фермер хўжалигининг қарийб 30 фоизини ёшлар бошқармоқда. Кўп тармоқли фермер хўжалиқларида ташкил этилаётган кайта ишлаш цехлари, тикувчилик, сервис хизмати кўрсатиш марказларини бошқариш ҳам ёшларга ишониб топшириляпти.

Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси, Фермерлар кенгаши билан ёш тадбиркор ва фермерларнинг малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилгани сабаб улар жаҳоннинг ривожланган давлатларида тажриба алмашиб қайтмоқдалар. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида 10 нафардан ортиқ ёш тадбиркор ва фермер хорижда бўлди. Улар томонидан етиштирилган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам сотилмоқда. Масалан, «Берад Агро» корхонасини олайлик. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Миррахим Адиллов раҳбарлигидаги бу корхонада ўнлаб ёшлар меҳнат қилмоқда. Бу ерда қайта ишланаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 10 га яқин давлатга экспорт қилинмоқда.

Аҳамиятлики, партия сафида етук ёшлар сони ортиб бораётди. Улар орасида ҳали ёш бўлса-да, қилган меҳнати эвазига халқнинг назарига тушган навқирон авлод вакиллари талайгина. Бу эса уларнинг бемаалол: «Мен — партиянинг келажагиман!», дейишига асос бўляпти.

Сайловчи амалий ишларга овоз беради

Партиявий ишдаги ҳар бир ютуқ замирида катта масъулият ва меҳнат мужассамдир

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»



О'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Ёшлар саройи» да ўтган «Партия сайловчидаги дастури ижроси: амалга оширилган ишлар сарҳисоби, ҳулоса ва тавсиялар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатидан ҳам юқоридаги фикр бир неча бор тилга олинди.

Давра суҳбатидан партия вилоят кенгаши томонидан 2010-2014 йилларда О'zLiDeP сайловчидаги дастурида белгиланган вазиғларнинг бажарилиши юзасидан сўзга чиққан кенгаши раиси Яшин Душанов партиянинг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодийни либераллаштиришга қаратилган 8 та аниқ мақсад ва тизимли лойиҳаси изчил амалга ошириб келинаётганини таъкидлади. Жумладан, «Мулкдор оила», «Диплом билан — бизнесга», «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» каби лойиҳаларда иштирок этган 1800 нафардан зиёд аёл, ёш йигит-қиз ва ўз бизнесини бошламоқчи бўлган юртдошларимизга салкам 3 млрд. сўмлик имтиёзли банк кредитларини олишга кўмаклашди. 135 нафар электротар вакилининг долзарб масалалар юзаси-

дан билдирган 51 та ташаббус ва таклифи умумлаштирилган ҳолда депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли идораларга тақдим этилди. Мутасадди идораларнинг худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ўтказган 81 та эшитувининг 53 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, бу борадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш масалаларига бағишланди. Тадбирда айтиб ўтилган

ниде, партиянинг ҳамкор ташкилотлари, яъни Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят филиали ва Фермерлар кенгаши билан биргаликда жорий йилнинг ўтган даврида минга яқин тадбир уюштирилиб, 78 минг нафардан зиёд электротар вакилининг ижтимоий-

граммадек қисқа, куш тилидек нозик» йўл тутмоқ керак бўладики, бажараётган амалларимизни кўрган маҳалла ёки жамоадошлар албатта бизга эргашадиган бўлсин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутatlари, нодавлат но-тижорат ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган давра суҳбатидан О'zLiDePнинг Сайловчидаги платформасида белгиланган долзарб вазиғлар ижросини таъминлаш, аҳолини қўлайлаштириб келётган сайловчи тартиб-бот-ташвиқот ишларини юқори поғонага кўтариш борабариди жойларда обрў-этиборга сазовор, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, элим деб, юртим деб ёниб яшовчи юртдошларимизни депутатликка номзод сифатида кўрсатиш ва уларнинг сайловларда ҳаққоний ва соғ галабага эришишларини таъминлаш бўйича бир қатор амалий таклифлар билдирилди.

ХИЗМАТ ИЗЛАГАНГА ХИЗМАТДОР ДУНЁ!

«Китоб машғул пайтингда чалғитмайдиган, ишлаётганингда чакирмайдиган суҳбатдошдир. Унга чиройли кўринишинг шарт эмас. У сенга лаганбардорлик қилмайди, алдамайди, малоллик келтирмайди, насихати оғир ботмайди».

Аҳмад ибн ИСМОИЛ

Маркетинг босқичларида оид маҳорат сабоқлари

Бухорода «Тадбиркор аёл» ассоциацияси томонидан «Аёлларни тадбиркорликка ўқитиш ва уларга корхонани самарали юритиш кўникмаларини шакллантириш» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Тадбир иштирокчилари ҳузурда сўзга чиққан ассоциация координатори Насиба Жамолдиннова. «Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби» журнали масъул котиби Мўмин Одилов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартибларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазиғларни, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда белгиланган имтиёзлар, шунингдек, ўз бизнесини бошлаш арафасида турган аёлларга тадбиркорликнинг мазмун-моҳияти, бизнес концепцияси, маркетинг босқичлари, режа тузиш, бозорни ўрганиш, маҳсулот ва таннарх калькуляцияси, молиявий режалаштириш каби масалалар ҳусусида батафсил маълумот берилди.

Мулоқотнинг иккинчи қисмида тингловчилар алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолда тадбиркорлик фаолияти доирасида мустақил иш бажардилар. Шу тариха уларнинг қобилият, кўникма ва маҳоратлари яна бир марта синовдан ўтказилди.

Семинар-тренингда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Тўйева, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси вилоят бўлими раиси Д.Аҳмедова, О'zLiDeP вилоят кенгаши бўлим мудири Р.Салихова оилавий тадбиркорликнинг халқимиз фаровонлиги, эл-юрт маъмуричилиги, дастурхон тўкиниги ташминлашдаги аҳамияти, амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижроси, аҳолини, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни ижтимоий фойдаланиш мақсадига жалб этиш бўйича жойларда олиб борилаётган ишлар билан тингловчиларни яқиндан таништирилди. Интерфaол усулда ўтказилган тадбир якунида ташкилотчилар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Асхор ИСТАМОВ.

Ички туризм оҳанрабоиси

Фаргона шаҳрида «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг «Фаргона водий сайёҳ» агентлиги фаолият кўрсата бошлади. Шу муносабат билан ташкил этилган олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларидан иборат дастлабки гуруҳ кўҳна шаҳарларнинг ноёб меъморий обидалари ҳамда осори-атиқалари билан танишишди.

Ёшлардан иборат иккинчи гуруҳ эса Марғилон шаҳридаги Миллий ҳунармандчилик марказида атлас устаси Расулжон Мирзааҳмедов, мистар Абдуҳамид Мадалиев, чиптар Шукрулло Аҳмадалиевнинг ижодий намуналарини томоша қилишди. Шунингдек, «Ёлгорлик» масъулияти чекланган жамиятда ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасида бўлишди. Келгусида водийдаги энг яхши сийҳаттоҳ ва дам олиш ўйлари, музей, театр ва истироҳат боғларига ташриф буюриш режалаштирилган. Мухаммаджон МАҲМУДОВ.

БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2014-yil 31-iyul, payshanba, 30 (558)-son, www.21asr.uz, e-mail: xxi_asr@mail.ru



«Гулбод юрт» дадил одимляпти

Риштон туманидаги «Гулбод юрт» кўп тармоқли фермер хўжалигида иш юритаётган куйи бўғин 20 нафар O'zLiDeP аъзосини бирлаштирган.

Аҳамиятlisi, Улугбек Қозихонов етакчилигидаги мазкур БПТ фаолларининг қатор хайрли ташаббуслари, юрт равнақи йўлидаги астойдил саъй-ҳаракатлари электрот вакилларининг партиёга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Чунинчи, яқинда таянч тузилма Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қароридан келиб чиққан ҳолда теварак-атрофни ободонлаштириш мақсадида ҳашар уюштирилди. Мазкур тадбир давомида 6 км. узунликдаги ариқ тозаланиб, ҳудуддаги бинолар оқланди. Шунингдек, ички йўллар бўйида мўъжаз гулзорлар барпо этилди.

Қайд этиш керакки, партиё туман кенгаши ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлаш баробарида уни оммалаштириш чора-тадбирларини ҳам кўрмоқда.

А.МУСУРМОНОВ.

Самарадорлик мезонлари

O'zLiDeP Қоровулбозор туман кенгашида ташкил этилган БПТ ўз фаолияти, ташаббускорлиги билан ёшлар эътиборига тушган. Бу бежиз эмас, албатта. 15 нафар аъзони жипслатирган куйи бўғин партиё дастурига ҳамоҳанг йўсунда навқирон авлод вакилларини қўллаб-қувватлашни фаолиятининг устувор йўналишини эътиб белгиланган. Хусусан, тумандаги касб-хўнара коллежлари битирувчиларини доимий шик билан таъминлаш мақсадида тузилувчи уч томонлама шартномалар ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатилган, тадбиркорликка интиқилган йигирма қизларнинг банклардан имтиёзли кредит олишга кўмаклашни таянч тузилманинг доимий лиққат марказида. Масалан, амалдаги йилда чорвачилик, паррандачилик, новвойчилик ва қандолатчилик билан шуғулланиш истагида бўлган коллеж битирувчилари — Р.Рўзиевага 17 млн. сўм, Ш.Тошпўлатовга 19,2 млн. сўм, Н.Раҳматовга 5 млн. сўм ҳамда Н.Шароповга 7,6 млн. сўм миқдорда сармоя ажратилишига ёрдам берилди.

— БПТ иши самарадорлиги нафақат гоёвий-сиёсий тадбирлар, балки электрот манфаатларига қаратилган аниқ амалий ишлар билан ҳам ўлчанади, — дейди куйи бўғин раиси А.Ашуров.

Электрот ишончини оқлаш осон эмас

Бунинг учун муттасил изланиш, мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш зарур. O'zLiDeP Когон туман кенгаши тажрибаси бунга ёрқин мисол бўла олади

Ахсор ИСТАМОВ

Бугунги кунда туманда қарийб 69 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. 107 дан зиёд хусусий тадбиркорлик субъекти, 305 та фермер хўжалиги мавжуд ва улар сони йил сайин ортиб бораётди. Демак, O'zLiDeP негизини ташкил қилувчи бошланғич партиё ташкилотлари фаолияти ҳам шунга мувофиқ бўлиши керак.

Масала шу тахлит куйилар экан, партиё фаоллари зиммаларидаги вазифаларни талаб даражасида ундамай олишайти, деган савол туғилиши табиий. Унга ишонч билан ижобий жавоб қайтариш мумкин. Чунки партиё куйи бўғинлари ҳудуд ижтимоий-сиёсий ҳаётида муайян нуфузга эга. Бундай натижага ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. O'zLiDePчилар тарғибот-ташвиқот тадбирларини изчил ва таъсирчан ташкил қилиш орқали омма эътиборини қозонишайпти. Шунингдек, замонавий, интерфаол усуллар қўлланилишига алоҳида эътибор берилгангани ҳам ижобий самара бермоқда.

Масалан, жорий йилда 30 га яқин катта-кичик учрашув, давра суҳбати, очик мулоқот ва семинар уюштирилган бўлса, уларнинг аксарияти ўзаро фикр алмашувлар, қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Жумладан, «Беклар», «Нурафшон», «Сиёс поён», «Нияз хожини» ҚФЙ, «Кончилар», «Истиқбол» ва бошқа МФЙ ҳамда бир неча касб-хўнара коллежида ташкил этилган тадбирлар катта аудиторияни ўзига жалб эта олди. Энг муҳими, мазкур мулоқотларда партиё фаоллари, депутатлар, маҳаллий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари билан бир қаторда тақриф этилганлар ҳам сўзга чиқиб,



мавзу юзасидан мулоҳаза билдиришига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, асосан аёллардан иборат меҳнат жамоалари, маҳаллаларда ўтказилган «Оилавий тадбиркорлик — хотин-қизлар бандлигини таъминлашнинг муҳим омил» мавзусидаги туркум тадбирлар ҳам шаклан ва мазмунан пухталиги билан кўпчилида яхши таассурот қолдирди.

Диққатга сазовор жиҳатлардан яна бири шундаки, ушбу жараёнда моҳият-эътибори билан аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилган талай тақрифлар билдирилди. Уларни амалга татбиқ этиш йўллари изланди. Шу аснода партиё таянч нуқталарининг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ННТлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораётди.

Шу йилнинг ўтган даврида тумандаги партиё аъзолари 378 нафарга кўпайгани, «Неъматов Акрам Лобар» фермер хўжалиги, «Парранда» МЧЖ, «Олтин тола» ОАЖ синга-



ўрганиш, умумлаштириш ва ечимини топиш борасида ҳам БПТлар фаолияти ортиб бораётганини таъкидлаш лозим. Масалан, тумандаги академик лицей ва касб-хўнара коллежлари ўқувчиларига транспорт хизмати кўрсатилишини тақомиллаштириш масаласи айнан «куйдан юқорига» партиёвий механизми ёрдамида ижобий ҳал қилинди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида турли ташкилотларга йўланган 2 та депутатлик сўрови, 3 маротаба ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти, 7 нафар мансабдор шахс ҳисоботи бевосита куйи бўғинлар ташаббуси билан кўтарилган масалаларга оиддир. Умуман олганда эса ўтган йилнинг айни даврига нисбатан ўртача 30 фоиз ўсишга эришилди.

— Бир қарашда бу ишлар унчалик муҳим эмас-дек туюлиши мумкин, — дейди партиё туман кенгаши раиси ўринбосари Шомурод Бўронов. — Лекин мазкур йўналишдаги

Асакада O'zLiDePнинг ўз ўрни бор

Бугун Асака туманида 803 нафар O'zLiDeP аъзоси 31 та бошланғич ташкилотга бирлашган ҳолда либерал гоёлар тарафдорлари сафини кенгайтириш бўйича аниқ режа ва мақсад асосида иш олиб бораёпти

Ахсоржон МУСУРМОНОВ, «XXI asr»

— Аъзоларимизнинг 230 нафари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари ва фермер хўжаликлари раҳбарларидир, — дейди партиё туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Матлуба Курбонова. — Сайловлар йилида электротимизнинг фаол қатлами ҳисобланган фермерларни сафимизга янада кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилаёмиз. Чунки айнан кишлоқ мулкдорлари ҳудудда етакчи куч саналади.

Туман ҳокимлиги ва Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда «Фозилжон орузи» кўп тармоқли фермер хўжалигида ўтказилган давра суҳбати ҳам «Асакалик Маъруф боғи» фермер хўжалиги раҳбари Маъруфжон Юсупов, «Йўгур Полвон» фермер хўжалиги раиси Отабек Умаров, «Иқболдин орузи» фермер хўжалиги етакчиси Ифтихор Хўназаров, «Хотам фахри» фермер хўжалиги бошлиғи Фахриддин Хотамов, «Асакалик Назирбек» фермер хўжалиги раҳбари Одилов Тешабоев ҳамда «Фозилжон орузи» фермер хўжалиги раиси Ойбек Ибрагимовга партиёга аъзоллик гувоҳномаларини топширишдан бошланди.

Тадбирда «Фермер хўжалиқларини кўп тармоқли субъектларга айлантиришнинг долзарб масалалари» ҳамда «Кўп тармоқли фермер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва имтиёзли кредит маблағлари ажратилиш» мавзуларида туман Фермерлар кенгаши раиси Иброҳимжон Қосимов маъруза қилди. Таъкидланганидек, **жорий йилда Асакада кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш ҳудудий дастурига асосан 66 та хўжаликда 87 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.** Бу ишлар учун жами 10347,8 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, шундан 1731,5 млн. сўми чет эл инвестицияларидир. Айни кунгача ушбу маблағларнинг ярмидан ортиғи ўзлаштирилиб, қўллаб-қувватлаш йўналиши яратилди.

— Туманимиз ҳукумат қарори билан мева ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилган бўлиб, ўтган қисқа вақт мобайнида 130 гектар боғ, 51,7 гектар тоқор барпо этилди. 288 та фермер хўжалигида 3541 гектар майдонда сабзавот маҳсулотлари етиштириляпти. 7 та фермер хўжалиги томонидан транспорт хизмати, савдо дўкон, умумий овқатланиш ва бошқа маънавий хизмат турлари йўлга қўйилди. Мазкур фермер хўжалиқлари раҳбарларининг қарийб 50 фоизи O'zLiDeP аъзолари эканлиги аҳамиятлидир, — дейди Матлуба Курбонова. — Уларнинг фаоли саъй-ҳаракатлари тўғрисида Асакада партиёнинг нуфузи тобора ортиб бораёпти.

Қайд этиш жоизки, ушбу тадбир давомида «Фозилжон орузи» кўп тармоқли фермер хўжалигида янги бошланғич партиё ташкилоти очилди.

— Тузилманинг илк фаолиятини партиё дастури гоёларидан келиб чиқиб, кишлоқда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қўнунинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, оилавий корхона афзаллиқларини тарғиб этиш орқали янги иш ўринлари яратиш билан бошлаш ҳақида фаолларимиз билан келишиб олдик, — дейди БПТ раиси Ойбек Ибрагимов.

Ислохотлар — инсон манфаати учун

Пойтахтимиздаги «Фарҳод деҳқон бозори» ОАЖда 30 нафар аъзони бирлаштирган янги бошланғич партиё ташкилоти иш бошлади. Шу муносабат билан O'zLiDeP Учтепа туман кенгаши билан ҳамкорликда «Ислохотлар — инсон манфаати учун» номли очик мулоқот ўтказилди.

Тадбирда партиё Тошкент шаҳар кенгаши раиси Т. Назаров, халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Д.Шоумаров тадбиркорлар, маҳалла фаоллари, БПТлар етакчилари ҳузурда сўзга чиқиб, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мазмун-моҳияти, шунингдек, ишбилармонлик ҳаракати иқтисодиётимиз таянчи, халқимиз фаровонлигининг асосий омиллиги айлангани, мустақиллик туғайли инсон қадри ва шаъни бениҳоя юксалиши ҳамда партиямизнинг амалга оширилаётган ислохотлар тақдирини мустақиллиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлар.

У. ИШАНХОДЖАЕВ,
O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши маъсул ходими.

Тежаган терга тушмас

Наманган туманидаги Норин-Наманган ирригация сув тармоғи тизимида фаолият юритаётган БПТ фаоллари ташаббуси билан «Фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш: устувор вазифалар, ёндашувлар, мавжуд камчиликлар ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Асосан мазкур тизим ва унга алоқадор тузилмалар масъуллари ишгирок этган тадбирда кишлоқ мулкдорлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида сўз юритилди. Хусусан, обн ҳаётини тежаб ишлаштириш, шунингдек, экин майдонларини сугориш билан боғлиқ агротехник тадбирлар бажарилишида замин соҳибларини имкон қадар қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

— Партияимиз электрот вакилларининг мурожаати ушбу тадбирни ташкил қилишимизга тўртки берди, — дейди БПТ етакчиси Улугбек Хамроқўжаев. — Йиғилишда бошқа масалалар қатори сувни тежаб ишлаштириш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, партиё юқори органига тақдим этиш учун тегишли хулосалар тайёрланди. Шунингдек, мазкур тизим фаолиятини тақомиллаштириш бўйича билдирилган тақриф ва тавсиялар бўйича келгусида алоҳида мажлис ўтказишга келишиб олдик.



Чунинчи, туман кенгаши депутати, «Хамроқ» фермер хўжалигидаги БПТ раиси Б.Ортиқов, «Ниязат Давлат» фермер хўжалигида тузилган куйи бўғин етакчиси Н. Ниязметов байрам муносабати билан ишчи-хизматчиларни тақдирлаш, муҳтож оилаларга туҳфалар улаштириш, масъумий ишларда хўжалиқларга кўмаклашадиган ташкилотлар ходимларини рағбатлантириш кераклигини таъкидладилар. Шунингдек, «Энг яхши механизатор» танловини уюштириш тақдирини ўртага ташладилар. «Незахос», «Ёвқур» ва бошқа МФЙ раислари турли концертлар, учрашувлар, спорт мусобақаларини уюштириш шодиёналарга ўзгача шукӯҳ ва файз бахш этишини таъкидладилар.

Давра суҳбатида сайлов кампаниясига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. O'zLiDeP вилоят кенгаши масъул ходимлари М.Рўзметов ва У.Нурметов электрот манфаатларини ишончли ҳимоялаш, тарғибот ишларига эътиборни янада кучайтириш, қузғувчи ва ваколатли вакилларнинг тайёргарлик даражасини ошириш тўғрисида маъруза қилдилар.

Д.КОБУЛОВА,
O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши ҳузурдаги Сиёсий таълим маркази раҳбари.

Кўшкўпирлик сафдошлар тараддуди

O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан Кўшкўпир туман партиё ташкилоти таркибидаги БПТларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллик байрамига бағишлаб давра суҳбати ташкил этилди.

Тўпланганлар эътибори улғу айёмни муносиб кутиб олишда жойлардаги куйи бўғинларнинг ўзига хос ўрни ва ролига қаратилиб, байрамни кўтаринки қура бериш лозимлиги хусусида сўз юритилди.

«Хоразм» фермер хўжалигидаги БПТ раиси Б.Ортиқов, «Ниязат Давлат» фермер хўжалигида тузилган куйи бўғин етакчиси Н. Ниязметов байрам муносабати билан ишчи-хизматчиларни тақдирлаш, муҳтож оилаларга туҳфалар улаштириш, масъумий ишларда хўжалиқларга кўмаклашадиган ташкилотлар ходимларини рағбатлантириш кераклигини таъкидладилар. Шунингдек, «Энг яхши механизатор» танловини уюштириш тақдирини ўртага ташладилар. «Незахос», «Ёвқур» ва бошқа МФЙ раислари турли концертлар, учрашувлар, спорт мусобақаларини уюштириш шодиёналарга ўзгача шукӯҳ ва файз бахш этишини таъкидладилар.

Давра суҳбатида сайлов кампаниясига тайёргарлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. O'zLiDeP вилоят кенгаши масъул ходимлари М.Рўзметов ва У.Нурметов электрот манфаатларини ишончли ҳимоялаш, тарғибот ишларига эътиборни янада кучайтириш, қузғувчи ва ваколатли вакилларнинг тайёргарлик даражасини ошириш тўғрисида маъруза қилдилар.

Д.КОБУЛОВА,
O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши ҳузурдаги Сиёсий таълим маркази раҳбари.

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

2008 йилнинг II ярмидан бошлаб то 2014 йилнинг I июлигача бўлган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидаги бошланғич партиё ташкилотлари сони **738** тадан **1061** тага, фермер хўжалиқларида **640** тадан **1016** тага, хизмат кўрсатиш тузилмаларида **494** тадан **718** тага, йирик sanoat корхоналарида эса **264** тадан **369** тага кўпайди

ҲИҚМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ!

«Барча сир-синоатларни ўзига жо этган китоб — одамнинг ўзи. Унинг ўзи барча моҳиятлар китобидир. Чунки у илоҳийлик тимсоли, унда улкан сир-синоат мужассамлашган».

Яқов БЕМЕ.

Сўнгги саҳифа

Янгиланаётган маданият даргоҳлари

Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимизнинг Андижон, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида жами 15 та янги маданият ва аҳоли дам олиш маркази очилган бўлиб, айни кунда уларда фаолият кўрсатаётган 172 та тўғарақ, бадиий жамоа ва санъат студиясида 2500 нафарга яқин ёш бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда. Жумладан, яқинда худди шундай маданият даргоҳларининг бештаси республикамизнинг шимолӣ худудлари — Беруний, Кегейли, Шовот, Богот ва Хива туманларида фаолият кўрсата бошлади

Янгибой КўЧҚОРОВ,
«XXI asr»

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги «2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз бўйича аввал кўп ҳолларда қаровсиз қолган қишлоқ маданият уйлари ва мақоми номаълум клублар негизда миллий меъморчилигимизнинг энг юксак андозалари асосида 894 та маданият ва дам олиш маркази барпо этиладиган бўлди. Уларнинг ҳар бири муайян қишлоқдаги аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, санъат ва спорт билан шуғулланишига ҳамда маънавий камолга хизмат қилиши белгиланди.

— Мазкур маданият ва аҳоли дам олиш марказлари яқин келажақда 10 мингдан ортиқ ашула ва рақс, фольклор-этнографик, эстрада дасталари, бадиий

ҳаваскорлик, дорбозлик жамоалари, халқ ва кўғирчоқ театрлари, санъат ва мусиқа тўғарақларини бирлаштиради, — деди Беруний туманида барпо этилган янги масканнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазири Минҳожиддин Хожиматов. — Бу янги тизим мамлакат миқёсида жами 15-18 миллион нафар аҳолини қамраб олган ҳолда 500 минг кишининг доимий равишда маданий ҳордиқ чиқаришига имкон яратди. Шу кунгача бундай замонавий дам олиш масканлари Улуғнор, Олтинқўл, Балиқчи, Зангиота, Бувайда, Оқдарё, Пайариқ, Жомбой туманлари ва Ангрэн шаҳрида фойдаланишга топширилди.

Маълумотларга кўра, айни кунда **Қорақалпоғистон Республикасида 57 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази фаолият кўрсатаётган бўлса, юқорида кайд қилинган қарорга кўра, 2014 йил охиригача яна 5 та, 2015-2018 йилларда эса 48 та шундай муассаса тўлик**

таъмирланади. Бундай кенг қамровли ишлар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасининг «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижроси ҳам изчил таъминланаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, мазкур дастурга биноан Қорақалпоғистонда 19 та маданият ва истироҳат боғининг 5 таси жорий, 3 таси тўлик таъмирланиши, 11 таси янгидан барпо этилиши кўзда тутилган.

Беруний туманидаги «Маҳтумқули» маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилишида ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва бошқа миллат вакиллари ҳамжиҳатликда яшаётган ушбу масканнинг ёшу қариси, жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат намояндалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари иштирок этдилар.

«Соғлом бола йили»да санъат шайдолари учун

эшикларини кенг очган маданият ва аҳоли дам олиш марказларидан яна бири Богот туманидаги «Кулонқорабоғ» қишлоғида жойлашган.

— Истиқболга эришганимиздан буюн ўтган ҳар бир йил ижтимоий ҳаётимизга янги мазмун, оҳорли сарҳифа бахш этиб келмоқда, — дейди меҳнат фаҳрийси Раҳимбой Тоҳиров. — Фалла мустақиллигига эришганимизда, нефть қарамлигидан халос бўлганимизда, автомобилсозлик мамлакатига айланганимизда ва бошқа оламшумул ўзгаришларда бизга олам-олам заъқ улашган онларни унутиб бўладими?! Вақт етиб, қишлоқ маданият масканларини обод қилишга киришилгани ҳаммамизни қувонтирмоқда. Дони мўл, нони мўл, эли обод мамлакатга байрамлар, санъат анжуманлари ярашди. Қолаверса, санъат инсонга бир умр йўлдош бўладиган қадрият. Барча муҳим соҳалар қатори ушбу эзгу ишларнинг бошида турган муҳтарам Президентимизга чексиз ташаккурларимизни ихроқ қиламиз!



Сарвар УРМОҲОНОВ (USA) олган сурат

Шухрат ХўЖАЕВ,
«XXI asr»

Шу муносабат билан «Олимпия шон-шухрати» музейида ташкил этилган тантанали тадбирда Р.Эрматовга, шунингдек, Президент совғаси — «Malibu», унинг ёрдамчиси Абдухамидулло Расуловга эса «Orlando» замонавий автоуловлари топширилди.

Маълумки, тахминан уч миллиард киши кузатиб борган «Бразилия-2014» футбол мусобақаси XXI асрда ўтказилган жаҳон чемпионатларининг

Эл эътиборидаги Эрматов

Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида дунё рекордини янгилашга эришган ҳамюртимиз Равшан Эрматов давлатимиз раҳбари фармонида мувофиқ «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди

ҳозирча энг яхшиси сифатида эътироф этилмоқда. Мазкур мундиаль давомида турли терма жамоаларни қўллаб-қувватлаган ўзбекистонлик мухлисларнинг барчаси ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқарган ўйинларни алоҳида диққат билан томоша қилганлари аниқ.

Бундан тўрт йил аввал ЖАРдаги жаҳон чемпионатида бешта учрашув ўтказиб, битта мусобақа давомида бошқарилган ўйинлар бўйича рекорд ўрнатган ҳамюртимиз бу гал яна бир кўрсаткични янгилашга эришди.

Зеро, **Равшан Эрматовга қадар ҳеч ким жаҳон чемпионатларида саккизтадан кўп ўйинни бошқармаганди.** Мухими, ўзбек ўғлини «ЖЧ-2014»да ҳам аввалги мусобақаларда бўлган каби ўзига билдирилган ишончни тўлиқ оқлади. Шунинг учун ҳам worldreferee.com сайти мониторинги натижаларига кўра Р.Эрматовни (ўртача 7,7 балл) Бразилияда ўтказилган жаҳон чемпионатининг энг яхши ҳакамлари рўйхатида биринчи ўринга қўйди.

— Камтарона меҳна-

тимни Ватанимизнинг юксак муқофоти билан тақдирлаган Президентимизга чексиз миннатдорлик изҳор этаман. Бундай эътибор ва ғамхўрлик мени янада юксак марралар сари рағбатлантиради, албатта, — дейди Р.Эрматов. — Учрашувларни хатосиз бошқаришда халқимиз, миллионлаб ўзбекистонлик футбол мухлисларининг ишончини оқлаш масъулияти менга катта куч-ғайрат бағишлади.

Шу ўринда «Бразилия-2014»га борган бошқа давлат ҳакамларининг кўпчилиги битта ёки иккита учрашувни бошқаргани ҳамда қўл хатолағани йўл қўйиб, эътирозларга сабабини бўлганини айтиб ўтиш жоиз. Равшан Эрматов бошчилигидаги бригада эса, аксинча, «ЖЧ-2010» пайтида орттирилган ишончни бу йилги катта футбол байрамда мустаҳкамлашга эришди.

Умид қиламизки, тўрт йилдан сўнг ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик мухлислар Россия ашил майдонларида тажрибали рефери Равшан Эрматовдан ташқари миллий терма жамоамиз футболчиларини ҳам кўриш бахтига муяссар бўладилар.

Бол — ширин, болдан — бола

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган матбуот анжуманида журналистларга «Соғлом бола йили»да 1085 та болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилгани, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 100 тага кўпайгани хусусида маълумот берилди. Шулардан 214 таси стационар бўлса, 739 таси кундузги, 132 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳидир

Рисолат МАДИЕВА,
«XXI asr»

Соғломлаштириладиган болалар сони эса 2013 йилга қараганда 10 мингга ортиб, 282 минг нафарни ташкил этди. Шунингдек, бу йил юртимизда 217 та ихтисослаштирилган оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Усмирларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида ташкил этилган «Меҳнат ва дам олдирини» истироҳат масканлари ҳам қарийб уч баробарга кўпайган.

Айни пайтда ёзги мавсум қизгин давом этмоқда. Бугунгача тилга олинган оромгоҳларда 264 минг 430 нафар бола соғломлаштирилди.

Мазкур масканларда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш энг асосий масала сифатида ташкилотчиларнинг доимий диққат марказидадир. Хусусан, ҳар бир оромгоҳда ички ишлар,

ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, энергетика, коммунал соҳа ходимлари навбатчилик қилишяпти. Шунингдек, жамоат тартибини сақлаш мақсадида 1 минг 800 нафарга яқин ички ишлар ходими, мингдан зиёд маҳалла посбони бириктирилган. Болалар саломатлигини мунтазам назорат қилиб бориш мақсадида 1,5 минг нафар тиббиёт ходими жалб этилган. Ҳар бир оромгоҳ белгиланган миқдордаги дори-дармонлар билан таъминланган.

— Мавсум давомида кам таъминланган оилалар фарзандлари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини имтиёзли шартларда соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Урмонбекова. — Бундай имтиёздан бу йил 30 минг нафардан зиёд бола фойдаланмоқда.

Давлатимизнинг алоҳида ғамхўрлиги натижасида

Оролбўйи минтақасидан келган 4 500 нафардан ортиқ бола Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларидаги энг сўлим ва баҳаво оромгоҳларда, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг 3658 нафари Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан бепул дам олдирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда республикамиз ёзги оромгоҳларида 17 минг нафарга яқин малакали педагог кадрлар, спорт йуриқчилари, тўғарақ раҳбарлари, маданият ходимлари болалар интеллектини ривожлантириш, маънавиятини юксалтириш, улар онгига ватанпарварлик туйғуларини синдириш йўналишидаги ишларни олиб бормоқдалар. Уларда 10 дан ортиқ йўналишдаги тўғарақ билан бирга чет тилларини ўргатиш бўйича махсус курслар фаолияти ташкил этил-

ди. Барча оромгоҳларда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шiori остида «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Касаба уюшмалари — болаларга», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакатини» акциялари ўтказилмоқда. Улар орқали фарзандларимиз онгига мустақиллик йилларида турли соҳаларда қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, ёш авлод камолоти йўлидаги сазй-ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти синдирилмоқда. Мазкур акцияларга таниқли ёзувчи ва шоирлар, олимлар, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган инсонлар тақлиф этилиб, болалар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Зеро, ушбу хайри тадбирлар замирида болдан ҳам ширин болаларимизни маънан етук, жисмонан соғлом қилиб вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамдир.

РЕКЛАМА



2014 йил 29 июлда

Fitch Ratings

Халқаро
рейтинг агентлиги

«АСАКА» давлат-акциядорлик
тижорат банкининг

халқаро кредит рейтинг
истиқболини

«**БАРҚАРОР**»
деб тасдиқлади

РЕКЛАМА

ЗА3 FORZA
Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте
тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99
ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR HARAKATI —
O'ZBEKISTON LIBERAL-
DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАШКРИЛ: Темир АБДУРАҲМОНОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Шахзод НАЗАРОВ, Муҳаббат РАВШАНОВА, Насир ТОНЕВ, Шухрат ХўЖАЕВ, Маркс ЮСУПОВ, Акбар МУЗАФФАРОВ, Бекзод ИСРОИЛОВ, Наргиза ҚАҲҚОРОВА, Шухрат Раҳимов, Солижон ЗОИРОВ

БЎЛИМЛАР: Нотибиёт — 281-40-17 (тел./факс); Партия тугулиши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80; Аборот ва таҳлил хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80; Кичик бизнес ва хусусий тадбирдорлик фаолияти бўлими — 215-60-45; Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79; Рецанга ва шартномалар бўлими — 215-60-45; 255-68-50; Қўбўлоқ: 215-63-80 (тел./факс).

ТАШКРИЛ: МАНЪИЛИ: Тошкент: Нукус кўчаси, 73А-ўй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: xxi_asr@mail.ru, xxi_asr@mail.ru
© XXI ASRдан олмиш наълумларда наъба сифатда газета номи кўрсатилми шарт. Муаллифлар фойри тахририг нукати назардан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон НМҲУ» бсмажонасида чол этилади. Қорқона наълими: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати —

Ўзбекистон Либерал демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сийосий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва аборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0099 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Бюртма рақами: 5 528 Тиражи: 12003

Баҳоси белгиланган ҳарда.

Толаниши: — 2000

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2313-177X



Наъбтичлар:
ТАБДУРАҲМОНОВ, Б. ИСРОИЛОВ.